

ХИВА ХОНЛИГИ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА АЙРИМ ЭЛЧИЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА (XIX АСР)

Саматова Лола Юсуповна

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Шарқ цивилизацияси ва тарих факультети

1-курс магистранти

e-mail: samatova-lola@list.ru

Аннотация. *Мазкур мақолада XIX асрда Хива хонлигининг қўшни ва узоқ мамлакатлар билан олиб борган дипломатик алоқалари таҳлил қилинган. Хива хонлиги халқаро алоқаларининг ривожланишига ҳисса қўшган айрим элчиларнинг фаолиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.*

Таъкидлаш жоизки, Хива хонлигининг сўнги ўрта асрларда Бухоро ва Қўқон хонликлари ҳамда бошқа давлатлар билан ўзаро савдо алоқалари тарихига оид тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилган бўлса ҳам, унинг дипломатия масаласи бугунги кунга қадар тўлақонли ёритиб берилмаган.

Ушбу мақолада Хива хонлигининг Бухоро амирлиги, Россия империяси, Эрон, Туркия ва Англия давлатлари билан амалга оширган дипломатик алоқалари илмий адабиётлар ва XIX асрда Хивада яшаган маҳаллий тарихчиларнинг асарларидан фойдаланилиб таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, Эрон, Туркия, Англия, Россия империяси, дипломатик алоқалар, элчилар, “Фирдавс ул-иқбол” асари.*

Аннотация. *В данной статье анализируется ведение дипломатических отношений Хивинского ханства с соседними и зарубежными странами в XIX веке. Основное внимание уделяется показу значения этих связей*

в развитии международных отношений ханства и вопросу о послах, участвовавших в данном процессе с обеих сторон.

Следует отметить, что, хотя по истории торговых связей Хивинского ханства с Бухарским и Кокандским ханствами и зарубежными странами

в позднем средневековье были проведены достаточно исследований, однако до сегодняшнего дня вопрос о его дипломатии полностью не освещен.

На этом основании в статье рассматриваются ведение дипломатических отношений Хивинского ханства с Бухарским эмиратом, Российской империей, Ираном, Турцией и Англией на основе научных исследований и трудах местных историков, живших в XIX веке.

Ключевые слова: *Хивинское ханство, Бухарский эмират, Иран, Турция, Англия, Российская империя, дипломатические отношения, послы, произведение “Фирдавс ул-икбал”.*

Abstract. *This article analyzes the conduct of diplomatic relations of the Khiva Khanate with neighboring and foreign countries in the 19th century. The main attention is paid to showing the significance of these connections in the development of international*

relations of the Khanate and the question of the ambassadors who participated in this process from both sides.

It should be noted that, although enough research has been carried out on the history of trade relations of the Khiva Khanate with the Bukhara and Kokand khanates and foreign countries in the late Middle Ages, the issue of its diplomacy has not yet been fully clarified.

On this basis, the article examines the conduct of diplomatic relations of the Khiva Khanate with the Bukhara Emirate, the Russian Empire, Iran, Turkey and England on the basis of the scientific literatures and works of local historians, lived in the 19th century.

Keywords: Khiva Khanate, Bukhara Emirate, Iran, Turkey, England, Russia empire, diplomatic relations, ambassadors, work “Firdaws al-iqbal”.

XIX аср бошларига келиб қўнғиротлар сулоласи вакилларининг олиб борган изчил сиёсати туфайли Хива хонлиги марказлашган ва иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатга айланди. Ўз навбатида, хонликнинг бошқа мамлакатлар, хусусан, Бухоро ва Қўқон хонлиги, Эрон, Ҳиндистон ва Россия билан савдо қарвонлари қатнови изчил кенгайди ва дипломатик миссия вакиллари – элчиларнинг ташрифлари фаоллашди.

Хусусан, кўриб чиқиладиган даврда Хива хонлиги ва **Бухоро амирлиги** ўртасидаги мунтазам дипломатик муносабатларда янада жонланиш кузатилди. Мунис ва Огаҳийларнинг қаламларига мансуб бўлган “Фирдавс ул-иқбол” асарида келтирилишича, 1806 йилда Хива хони Элтузар Муҳаммад Баходирхон (1804-1806 йй.) тожиклар қўлига тушиб қолган Қутлуғмурод иноқ (*Хиванинг кейинги хони Оллоқулихоннинг тоғаси*) ва яна бир неча кишиларни озод этиш мақсадида Бухоро амири **Ҳайдар** (1800-1826 йй.) ҳузурига қози Исмоил эшон ва қози Эшвайс эшонни элчиликка тайинлаган⁵⁸. Унга жавобан эса амир Ҳайдар ўзининг Умро ва Юсуф миршаб исмли элчиларини Хива томонга жўнатган.

1811-1812 йиллари Бухоро амири Ҳайдар ўғлининг тўйи муносабати билан Хоразмга Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825 йй.) олдига Ўроқбой Жўра Оғоси ва Аваз Муҳаммад Ясовулбошини элчи қилиб юборади⁵⁹. Шу муносабат билан Хива ва Бухоро хонликлари ўртасида узоқ давом этган совуқ алоқаларга чек қўйилиб, ўзаро дипломатик борди-келди тикланади⁶⁰.

1845 йили эса Бухоро амири Насрулло (1827-1860 йй.) томонидан Хива хони Раҳимқулихон (1842-1845 йй.) ҳузурига Қўчқорбек Мироҳур исмли элчи жўнатилади. Аммо Бухоро амирининг Хива хони шаънига тегадиган мазмундаги таклифига жавобан Хива хони ўзининг Раҳматулла Қорақўзни Бухорога қуйидаги мактубни амир Насруллога топширишни буюради: “Амир Насруллонинг муддаоси агар мусолаҳа қилиб боришмоқ бўлса мухориба майдонига чиқсунким, биз ҳам ул амрга

⁵⁸ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. Араб ёзувидан таъдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари. Шодмон Воҳидов, Исмоил Бекчанов, ва Нейматжон Полвонов. “Янги аср авлоди”, Т., 2010. Б.399

⁵⁹ Ўша асар. Б.160-161

⁶⁰ Ўзбек дипломатияси тарихидан. Т., 2003. Б.333

муҳайё ва мададдурмиз. Бу икки ишнинг қайсисини ихтиёр қилса, ул ишга бел боғласунким, иккиси ҳам бизнинг мақсадимиздур⁶¹”.

Огаҳийнинг «Гулшани давлат» асарида Бухоро амири Насрулло элчисининг номи Турсунхўжа садр дея эътироф этилади ва у Хива хонининг нома ҳамда тухфаларини амирга тақдим этиши ҳақида тўхталиб ўтилади.

XIX асрда Хива хонлигининг *Россия империяси* билан ташқи сиёсатида дастлабки элчилик карвони 1803 йилда поручик Гвардевский раҳбарлигида юборилган бўлиб, у муваффақият қозонмаган эди⁶². Навбатдаги дипломатик миссия 1818 йилда Оренбург генерал-губернатори Эссен ташаббуси билан поручик Абдуносир Субҳонқулов бошчилигида Хивага ташриф буюради. Бу ҳақида маҳаллий тарихчи Огаҳий “Фирдавс ул-иқбол”да шундай ёзади: “... 1233 (1817-1818) йили зулқаъда ойининг аввалида мулла Абдиносир мингбоши Ўрусдин Хивага элчи бўлиб келган эди”⁶³.

Кейинги йилда (1819) эса рус генерали Ермоловнинг топшириғи билан Хивага муваффақиятли элчилик миссиясини амалга оширган рус элчиси капитан Н.Н.Муравьев ҳисобланади. Красноводскдан Хивагача саёхат қилиб борган Н.Н.Муравьевнинг ушбу элчилиги туркманлар билан алоқа ўрнатиш ҳамда “уларнинг худудларидан Хива, Бухоро ва Шимолий Ҳиндистонга савдо йулларини очиш”, рус ҳарбийлари учуй қулай ва фойдали қалъалар қидириб топишга қаратилган эди⁶⁴. Унинг ташрифи ҳақида Огаҳий шундай ёзган: “Сана минг икки юз ўттуз бешда ва муҳаррам ойининг ғурраси (1235 йил 1-муҳаррам/1819 йил 20 (21) октябр) сешанба куни Ўрус элчиси Никулой Нукулойич Гуржистон ва Тифлис ҳокими Алексей Петровичдин келди. Ҳазрат соҳибқирон (Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I) нинг амри била Отчопар ва Эшназар шибирғон элчининг олдига чиқиб, Хўжаш маҳрамнинг ҳовлисига туширдилар. Ва жума кечаси Ўрус элчисига кўрўнуш бериб, Яқуббой била Эшназар шибирғонни анга қўшўб юборди”. Н.Муравьев ўзининг сафар қайдларида Хивадаги аъло даражадаги зотдор отлар бўлса-да, уларнинг энг зўрлари туркманлар томонидан Гургон ва Атроқдан келтирилган деб таъкидлаб ўтган.

1841 йил Хива ва Россия ўртасида тузилиши режалаштирилган тинчлик шартномасининг муҳокамасида эса рус элчиси капитан П.Никифоров Хива хони Оллоқулихон билан музокара олиб борган ва унинг томонидан йўл қўйилган қўпол муомала сабабли рус дипломатияси самарасиз яқун топган⁶⁵.

Хива ва *Эрон* ўртасидаги халқаро муносабатлар “Фирдавс ул-иқбол” асарида ҳам ўз аксини топган бўлиб, 1814 йилда Хуросондан (*хусусан Хива хонлиги тасарруфида бўлган ва унга хирож тўлаб турадиган Серахсдан*) Хивага элчилар ташриф буюрганлиги ва Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I уларга Саодатқулихон

⁶¹ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. Араб ёзувидан таъдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари. Шодмон Воҳидов, Исмоил Бекчанов, ва Нейматжон Полвонов. “Янги аср авлоди”, Т., 2010. Б.162

⁶² Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари. Т., 2017. Б.86

⁶³ Саидов Ш.Ж. XIX –XX асрнинг биринчи чорагида Хоразм-Россия муносабатлари. Т., 2019. Б.18

⁶⁴ Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари. Т., 2017. Б.86

⁶⁵ [Залесов Н.Г. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г.//Военный сборник, 1861. №11 С. 52](#)

исмли элчини куйидаги мазмундаги хабар билан қўшиб жўнатганлиги баён этилган: “Агар эллик ва итоат изҳорида содиқ бўлсалар, куз фаслида иншоаллоҳ ул тарафга азм эткумиздир. Агар эл муҳолиф бўлсалар, алар самтига нуҳзат қилғумиздир. Агар эл бўлсалар, Саодатқулихон янглиғ акобир ва мўътабар кишилардан кўп киши мулозиматга ирсол қилиб, закот ва хирожни камо ҳаққаху юборсинлар”⁶⁶.

Кейинчалик Эрон томонидан келиб чиқадиган жиддий хавф-хатарни музокаралар йўли билан ҳал этмоқчи бўлган Хива хони Муҳаммад Аминхон (1845-1855) Техронга элчиликка зукко ва эътиборли дипломатлардан бири Отаниёз Маҳрам бошлиқ этиб тайинланади. Хива элчиси 1850 йил “раби-ус-соний ойининг еттисида бой совға-саломлар, бир неча учкур отлар ва қимматбаҳо ов қушлари” билан Техронга етиб келади ва Хива хонининг Эрон шоҳига икки ўртадаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш таклифи битилган мактубини топширади. Бунга жавобан 1851 йил Ризоқулихон Лолабоши раҳбарлигидаги Эрон элчилиги Хоразмга қайтиб кетишади. Аммо Эрон элчиси ўз олдига қўйилган вазифаларни адо этолмагач, шу йили Хива хони элчиси Муҳаммад Шариф Маҳрам ҳамроҳлигида Астробод орқали ўз юртига равона бўлади. Бу ҳақида Огаҳий шундай ёзади: “Ул ҳазрат (Муҳаммад Аминхон) зулқаъда ойининг ўн бешида пайшанба куни Эрон подшоҳи Муҳаммад шохнинг юборган элчисига атабайи фалак мартаба мулозимларидан дониш ва ихлос орой Муҳаммад Шарифбойни элчилик тариқаси билан ҳамроҳ қилиб, муҳаббатнома била Эрон мамлакатига ирсол эттилар”⁶⁷.

XIX асрда *Британия ҳукумати* Россиянинг Ҳиндистон чегараларига ҳаракатланишидан хавфсирар эди ва бундай хавфнинг олдини олиш мақсадида Хива хони билан музокаралар орқали русларни ҳарбий ҳаракатларни амалга оширмасликка кўндиришга келишиб олиши керак эди. Ана шундай сиёсий мақсад билан 1840 йилда офицерлар Джеймс Аббот ва Ричмонд Шексир Хивага элчилар сифатида ташриф буюришди. Р.Шексир Хива хони Оллоқулихон билан олиб борган моҳирона музокаралари натижасида 416 нафар рус фуқароларини хонлик асирлигидан озод этишга эришди⁶⁸.

Инглизларнинг яна бир элчилик миссияси Хива хони Саид Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз, 1865-1910) даврида ҳам амалга оширилган эди. Бунда хонлик ҳудудларини Россия босиб олиши арафасида Европа давлатларидан мадад сўраган Феруз 1872 йилда ўз элчиси Аминбой Муҳаммад ўғлини Ҳиндистон вице-қироли Норсбрук хузурига Калькуттага ёрдам сўраб ёзилган мактуб билан бирга юборди. Инглиз дипломатияси эса эҳтиёткорлик йўлини тутиб, Ҳиндистон мустамлакасидан ажралишдан ва Афғонистондаги мавқеига путур етишидан кўрқиши туфайли Хива хонлигига ҳарбий ёрдам бермаслик йўли тutilди. “Сиз имкони борича руслар билан

⁶⁶ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. Араб ёзувидан табдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари. Шодмон Воҳидов, Исмоил Бекчанов, ва Нейматжон Полвонов. “Янги аср авлоди”, Т., 2010. Б.446

⁶⁷ Ўзбек дипломатияси тарихидан. Т., 2003. Б.168-169, 176-177.

⁶⁸ Суйнова А.Т., Дюсембекова Ж.К. Деятельность английских агентов в Средней Азии в первой половине XIX века в контексте русско-английского соперничества. *Журнал Вестник КазНУ. Серия историческая.* №2 (105). 2022. С.191

алоқаларни яхшилашга ва мусулмон давлатлари иттифоқини вужудга келтиринг” - деб элчига панд-насихат қилишдан нарига ўтмади.⁶⁹

XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё хонликлари мураккаб ва нотинч даврни бошдан кечираётганига қарамай, Хива хонлиги *Усманийлар салтанати (Туркия)* билан элчилик алоқаларини давом эттиришига ҳаракат қилган. Хусусан, 1855 йилда Хива хони Муҳаммад Аминхон (1845-1855 йй.) томонидан Истанбулга Усманийлар султони ҳузурига элчи сифатида Шукрулло Оқо юборилган эди. Бироқ, Хива хони жангда ҳалок бўлганидан сўнг тахтга ўтирган Сайид Муҳаммад Баҳодирхон (1855-1865) Усманийлар султони Абдулмажидга (1839-1861) йўллаган махсус мактуб орқали Шукрулло Оқонинг ваколатини тўла тасдиқлаган ҳолда уни элчи сифатида қолдиради⁷⁰.

Шундай қилиб, XIX асрда Хива хонлигининг қўшни ва хорижий мамлакатлар билан дипломатик муносабатлари ҳеч қандай тўсиқларсиз юқори даражада олиб борилган бўлиб, дипломатик миссиялар жосус, саёҳатчи, олим ёхуд ҳарбий унвонда бўлган элчилар томонидан моҳирона ва зукколик билан адо этилган.

⁶⁹ Машарипова Г., Бекчанов С., Жуманиёзов Ш. XVI-XIX асрларда Хива-Россия муносабатлари/Хонлик тарихининг баъзи муаммолари (мақолалар тўплами). –Урганч, 2004. Б.28

⁷⁰ <https://inlibrary.uz/index.php/scientific-practical/article/view/13599>